



# O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2015-yil, 13-avgust. Payshanba • 94 (31.997)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Шу йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нурунийлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## «ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Очiq ва самимий мулоқот руҳида ўтган анжуманда мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида беқиёс аҳамиятга молик улкан воқеа экани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Таъбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислон Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба Ислон Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги беқиёс хизматларининг юксак эътироф этилгани, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳалқимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобидан давлатимиз раҳбарининг сайловли жараёнларидаги йиғирмадан зид ўчрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Таъбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қилиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидладилар.

Бўлиб ўтган фикр алмашувларда ушбу тўплам билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиқлолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улғу мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсон — ўзбек давлатининг асосчиси, бетакрор шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода

ва эътиқоди экани эътироф этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори, филология фанлари доктори Ш.Сирожилинов, иқтисод фанлари доктори, профессор А.Содиқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Тошкент давлат санъат ва маданият институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов, Сирдарё вилояти Сирдарё тумани «Амир Темура» фермер хўжалиги раҳбари Н.Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж.Пиязов ва бошқалар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганини қайд этиб, ўртага қўйилган ғоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти ҳусусида атрофлича фикр билдирдилар.

Учрашувда халқимизнинг тафаккур ҳазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган бу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Таъбирда мамлакатимизнинг истиқлол тарихини тере-ран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марралар сари рўҳлантиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобини чуқур ўқи-б-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий тақдир ва тавсиялар билдирилди.

Ў.А.

### ҚАРОР ВА ИЖРО



БУГУН ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИНИ КАТТА ҲАЯЖОН ВА ФАХР-ИФТИХОР БИЛАН КУТМОҚДА.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЖОЙЛАРДА ИСТИҚЛОЛИМИЗ ҚАДР-ҚИММАТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

ЎЗХДП аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди.

### ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## Доимий иш жойига эга бўлишди

ЎЗХДП Бектемир туман кенгаши, туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Маҳалла» жамоат фонди, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, ҳудуддаги корхона, ташкилотлар, тижорат банклари ҳамкорлигида амалий семинар ҳамда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Таъбирда юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш бўйича кенг қўла-



Фаруҳ АЛИЕВ олган сурат.

ли ишлар қилинаётганини таъкидлашди.

— Истиқлол йилларида ташкил этилаётган тадбиркорлик

субъектлари, янги корхоналарнинг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда, — деди

ЎЗХДП Бектемир туман кенгаши раиси ўринбосари Лола Ярашова. — Ярмаркада туманимиздаги корхона, ташкилотлар бундан ўқиб-ўқилари билан қатнашдилар. Меҳнат ярмаркаси ташкил қилинган бўлиб, унинг аксарияти касб-хунар коллежларини таъминлаган йигит-қизлардир.

Ярмаркада ёшларга касбий маҳоратларини оширишга қаратилган бир ойлик курсларда ўқиш учун йўланма берилди. 20 нафарга яқин йигит-қиз ўз касби бўйича ишга жойлашиш ҳақида йўланмага эга бўлди. Шунингдек, ёшлар мутахассислардан керакли тавсия ва маслаҳатлар олишди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

### СЕМИНАР

## Жамоат комиссиялари фаолиятига бағишланди

«Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги жамоат комиссиясининг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш масалалари». Тошкент шаҳар ҳокимлигида шу мавзуда бўлиб ўтган семинарда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг фаолияти атрофлича таҳлил этил-

ди. Унда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни аниқлаш ҳамда молиялаштиришда ҳолислик принцип-ларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган жамоат комиссиясининг ваколат-

ларига қарадиган масалалар бўйича маълумот берилди. Хусусан, Жамоат комиссияси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий аҳамиятга эга дастур ҳамда лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга кўмаклашиши айтиб ўтилди. Уларнинг тақдирлари

ни ўрганиш орқали ижтимоий шериклининг устувор йўналишлари белгиланади. Низомга асосан ушбу комиссия йилда бир марта халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бажарган ишлари бўйича ҳисобот тақдим этади.

Семинар сўнггида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган биринчи ва иккинчи грант танловида ғолиб деб топилган ННТ ва ОАВга сертификатлар топширилди.

Бундай семинарлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилди.

Ў.А. мухбиримиз.

# КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ



Баҳром  
АХРОМОВ,  
юридик фанлари  
доктори,  
ТДЮУ  
профессори:

— 1991 йил 31 август кунини Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилиниши том маънодаги тарихий воқеа бўлган эди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунё сахнига чиқди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон номли давлат пайдо бўлди. Қарийб 130 йил давомида кимларгадир қарам бўлган ўзбек халқи, қарорда айтилганидек, азал-азалдан мустақиллигини орзу қилиб, унга эришиш учун курашиб келди. Ўша мустабид замонда мустақиллик орзуси билан яшашнинг ўзи қаҳрамонлик эди. 1937-38-йиллардаги қатагондан қўзланган асосий мақсад эса мустақиллигини орзу қилганларни йўқ қилиш эди.

Ўзбек халқининг юз минглаб асл фарзандлари қатагон қурбони бўлган. Улардан 14 мингга яқини отиб ўлдирилган. Қолганлари эса узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилган, сургун ёки бадарға қилинган.

Собик иттифок конституциясида республикаларнинг ҳар бири «суверен ҳуқуққа эга давлат», деб белгилаб қўйилган бўлсада, амалда уларга бу ҳуқуқ умуман берилмаган. Ҳар бир республика ўз конституцияси, алоҳида қонунлари эга бўлсада, «республика қонунлари умумиттифок қонунлариға тўғри келмаган ҳолларда умумиттифок қонунлари ёки қонун ости норматив ҳужжатлари амал қилади», дейилган эди.

Шўро тузumi ўрнатилган дастлабки кундан бошлаб, бу зўравон жамият сохтакорлик ва алдовлар асосида барча халқларни битта халқ манфаатиға мажбурий бўйсундирган. Иттифок таркибидаги барча республикалар марказ томонидан бошқарилган.

## Мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқ демакдир. Шундай экан, ҳар биримиз бу сўзларни ўзимизга шиор қилиб олишимиз, ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни англаб етишимиз лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти коммунистик партия томонидан назорат қилинган. Қонун бир четда қолиб, амалдорлар буйруғи бажарилган. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан бутунлай ишончсизлигини келтириб чиқарган.

Шўро тузumi дунё андозаларини, халқаро нормаларни тан олмай, давлат ва жамият тараққиётига йўл бермайдиган нормаларни қонунлаштириб қўйган эди. Жумладан, жамият тараққиётининг негизини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларға жиноят сифатида қаралганлигиға ҳозирги ёшлар ишонмаса керак.

Барча ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, тадбиркорлик муносабатларининг эгаси давлат ҳисобланган, жисмоний шахсларнинг бундай фаолият билан шуғулланиши қонунан тақиқланган ва жиноят деб баҳоланган. Эркин савдо муносабатларига «спекуляция», хусусий ишлаб чиқаришга «хусусий корпорация» сифатида қаралиб, бундай фаолият билан шуғулланганларға нисбатан жиноий жавобгарлик белги-ланган. Шунингдек, хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳам тақиқланган ва бундай кишилар жазоға тортилган.

Мустақиллик туфайли бундай муносабатларға чек қўйилиб, эркин савдо, хусусий ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очилди. Хусусий мулк эгаси ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқ демакдир. Шундай экан, ҳар биримиз бу сўзларни ўзимизга шиор қилиб олишимиз, ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни англаб етишимиз лозим.

— Ўтган умримни эсласам, хотиралар кино тасмасидек кўз ўнгимда гавдаланаверади. Ўтган асрнинг 80-йилларида Гулистон туманидаги деярли барча мактаблар мослаштирилган, ўқувчилар сатҳи тупроқ, шифти қамишдан бўлган синфхоналарда ўқишарди. Битта икки қаватли мактаб ўша даврда темир-бетондан қурилган бўлиб, қишда умуман иситиб бўлмаганлигидан ўқувчиларға жавоб бериб юбориларди.

Эски тузум даври конституциясида таълим олиш болалар ҳуқуқидир, деб ёзилган пункт бўларди. Лекин 4-дан 10-синфгача ўқувчиларимиз эрта баҳордан кеч кузгача дала ишларидан бўшамасди.

Мактаб парталари-чи? Биз ўқиган пайтда битта партада тўрт кишидан ўтирганмиз. Бу ҳам майли, парталар ясси кўринишда бўлгани учун ўқувчилар қоматини эгиб ёзув-чизув қилишиға тўғри келарди.

Истиқлолдан сўнг мамлакатимиз-



Кўйсиной ПАРПИЕВА,  
меҳнат фахрийси,  
II даражали «Соғлом авлод  
учун» ордени соҳиби:

да бошқа соҳалар сингари таълим-тарбия ишларига ҳам давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини барчамиз чин юракдан ҳис этиб турибмиз. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ва бошқа бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай ислоҳ қилинди.

Бугунги кунда Бутунжаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларға кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даража-

си 99,34 фоиздан ошган. Бу дунёда юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бир эслаб кўрайлик. Эски тузум даврида мактаб бинолари яроқсиз бир ҳолға келиб қолганди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ, Энг ачинарлиси, олий маълумотли ўқитувчи танқис эди. Шунинг учун математика ўқитувчиси кези келганда ўзига умуман алоқаси бўлмаган бошқа фандан ҳам дарс ўтиб кетаверар эди. Бугун эса ҳар бир фаннинг ўз мутахассиси бор. Биргина мактаб тизимида бирорта ҳам ўрта маълумотли ўқитувчининг дарс беришиға йўл қўйилмади.

## КЕЧА ВА БУГУН



— Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий салоҳияти қачон намоён бўлади? Қачонки, мураккаб вазиятға тушганида. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланмасдан олдин Президентимизнинг Иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Ушбу фармон иқтисодчи олимлар томонидан жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар дастури, деб номланди. Бунинг натижасида инқирознинг салбий оқибатлари анча юмшатилди.

Бу эса куйидагиларда намоён бўлди:

Дастлаб маҳаллий ишлаб чиқарувчи қорхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳсулотлар таннархи дунё бозорида рақобатбардош бўлиши учун 20 фоизга пасайтирилди.

Шунингдек, мамлакат банк-молия тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида энг йирик тижорат банкларининг устав капиталига давлат бюджетидан 500 миллиард сўмға яқин маблағ киритиш орқали иқтисодиётнинг реал секториға имтиёзли фойз ставкаларида кредитлар бериш имкони яратилди.

Шу билан бир қаторда энергия ресурслари таннархи ўсишини инфляция даражасидан юқори бўлмаган ҳолда, яъни 6-8 фоиздан

оширмасдан сақлаб туришға эришилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини, яъни янги ташкил қилинаётган кичик қорхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлашға эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда 2006 йилда қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурида ҳоридан миллиард-миллиард доллар эвазига маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиб, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил қилиш кўзда тутилган эди. Мустақиллигининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи қорхоналар ташкил этилган бўлса, ҳозирги пайтда улар олдиға ишлаб чиқараётган маҳсулот-

Болаларнинг хотираси оппоқ дафтарға ўхшайди. Нимани ёзсанг, шундоққина муҳрланиб қолади. Эски тузум даврида мен математикадан зехни ўткир ўқувчиларни маҳаллий даражада ўтказиладиган турли олимпиадаларға олиб борардим, лекин уларнинг бирортасини собиқ иттифок даражасидаги олимпиадаларға олиб чиқолмаганман. Бунга рухсат беришмаган.

Мустақиллик йилларида фарзандларимиз учун жаҳон миқёсидаги олимпиадаларда қатнашиш, ўз билимларини намоён этиш имконияти яратилди. Узоққа бориб ўтирмайлик, яқинда Таиландда математика фанидан ўтказилган 56-Халқаро олимпиадада Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Жамшид Яхшиев ва Аббос Мухаммедов бронза медалига сазовор бўлишди. 2013 йилда химия фанидан ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этган ўзбекистонлик ёшлар икита

олтин, бешта кумуш, саккизта бронза медалларини қўлга киритишди. Ахир бу билан фахрланмай бўладими?

1991 йилда халқаро мусика танловларида атиги уч нафар ўзбекистонлик ўқувчи қатнашган бўлса, 2014 йилда улар сони 122 таға етди.

Болгариянинг Влагоевград шаҳрида математика фанидан ўтказилган, 50 дан ортиқ давлатдан 330 нафар иқтидорли талаба иштирок этган 22-Халқаро олимпиадада Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ҳакимбой Эгамбердиев ўзига берилган масалани шу вақтгача фанда қўлланмаган янгича усулда ечиб, ҳакамларни ҳайратда қолдирди ва олтин медални қўлга киритди!

Ўтган замонда бундай бўлиши тушунмишга ҳам кирмаган. Мустақиллик берган имкониятлар, Президентимиз томонидан ёшларға қўрсатилаётган меҳр-эътибор туфайли ана шундай тарихий ютуқларға эришяпмиз.

## Аббос НАБИХЎЖАЕВ, Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи:



Бу эса куйидаги чора-тадбирларда намоён бўлмоқда. Устувор соҳаларини молиялаштиришда давлат кафолатига олинган кредитлар фақат узоқ муддатлилик шарти билан, яъни 20 йилдан 40 йилгача ҳамда имтиёзли ставкаларда, хусусан, 0,5 фоиздан 2 фоизгача бўлган миқдорларда жалб қилинди.

Банклар кредит сиёсатини белгилашда ипотека кредитлари бериш тартибига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, 2008 йилда бошланган иқтисодий инқироз айнан ипотека кредитларини туфайли келиб чиққан эди. Қолаверса, Ўзбекистонда шу даврда тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил қилиниб, жуда катта маблағ тўпланди. Айниқса, хорижий валюталарда. Бу маблағ стратегик аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларни банклар билан биргаликда молиялаштиришға сарфланди ва республикамиздаги етакчи банкларнинг капиталлашув даражасини кескин оширди. Ушбу чораларни амалға ошириш натижасида биз нималарға эришдик?

Биринчидан, мўтадил қаттиқ пул-кредит сиёсати олиб борилиши туфайли 2003 йилдан буён, яъни 12 йилдан бери инфляция даражаси 7-8 фоиздан ошмапти.

Икки ва ташқи қарз олишда консерватив сиёсат амалға оширилди. Шунинг билан, бугунги кунда Греция, Испания сингари давлатларнинг ташқи қарзи жуда ошиб кетган. Мамлакатимизда эса ташқи қарз ҳажми ялпи ички маҳсулотта нисбатан 15 фоиздан ошмапти.

Истиқлол йилларида ялпи ички маҳсулот 5,5 баробардан кўпроқ ошди. Харид қилиш қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошиға 4 марта ўсди ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёда катта маблағ тўпланди. Кейинги йилларда 8 фоиздан зиёд барқарор юқори иқтисодий суръатлар сақлаб қолинди. Шунингдек, 1990-2014 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4 мартадан зиёд қўлайди. Охириги 10 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларидан юқори бўлиб, 9 фоизни ташкил қилди.

## Ёқубжон ҲУСАНБОЕВ, Тошкент архитектура-қурилиш институтини проректори, физика, математика фанлари доктори, профессор:



— Ўзбек халқи ўз меъморчилик анъаналарига эга бўлган халқ. Буюк аждодларимиз томонидан қурилган маҳобатли бинолар ҳамон дунё аҳлини лол қилиб келмоқда. Бироқ мустабид тузум даврида ўзбек меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларига мутлақо эътибор берилмади. Ўзбек архитекторлари миллий меъморчилик услубидаги бинолар

қуриш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Эски тузум даврида Ўзбекистонда асосан бетон уйлар қурилган.

Кишлоқлар қиёфаси кўз ўнгимизда, кўрimsиз, ночор аҳволда эди. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган кишлоқ қиёфасини бутунлай ўзгартириш ғояси халқ-

аро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Улар юртимизға келиб, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган кишлоқ уйлариини ўз кўзи билан кўриб, ҳайратини яшира олмади.

Шу ерда савол туғилади. Нима учун кишлоқ одамлари учун ана шундай кўринишдаги уйлар қурилиши йўлга қўйилди? Аввало, мақсад кишлоқ одамларининг яшаш шaroитини, турмуш маданиятини ошириш бўлди. Иккинчидан, эски замондаги «бизга бўлаверади», деган кайфиятни ўзгартириш, замонавий уйлар қуришға одамларни ундаш.

Президентимизнинг яқка тартибда уй-жой қуриш тўғрисидаги қарори асосида ярмарка ўтказилиб, унда қўллаб лойиҳалар намойиш этилди. Мамлакатимиз раҳбарининг

таклифи асосида 3 хил лойиҳа тасдиқланди. Булар 3, 4 ва 5 хонали уйлар бўлиб, умумий майдони 6 сотих қилиб белгиланди.

Энди энг асосий омилни айтсак. Кишлоқ уйлариини қуришда урф-одатларимиз, ўзбек архитектурасининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган.

Мутахассис сифатида мазкур ислохот туфайли кишлоқларимиз ҳам шаҳарларимиздан қолишмайдиган инфратузилмага эга бўлиб бораётганини айтиб ўтмоқчиман. Мазкур уй-жойлар сифатли қурилиш материалларидан қурилмоқда. Бу уйлар бир неча авлодларға хизмат қилади. Уларда, аввало, замонавийлик ва шинамлик, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тўлиқ ҳисобға олинган.

Янги уй-жойлар қурилган ҳудудларда болалар боччаси, мактаб, коллеж, озиқ-овқат ва ҳўжалик моллари дўконлари, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, умуман олганда, одамлар учун зарур бўлган барча шарт-шaroитлар яратилган.

Шунингдек, мазкур ислохотларда мамлакатимиз кишлоқларининг истиқболи ҳисобға олинган.

Келажакда бу борадаги ишларға илмий ёндашишни янада такомиллаштириш, мазкур тарихий лойиҳани ҳаётға татбиқ этиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг архитектура факультетида «Кишлоқ жойлари ҳудудларини архитектуравий режалаштириш» янги таълим йўналиши очилди.

## Акрам ОМОНОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор:



жада ёмонлашган бир пайтда 1989 йил 17 августда Президентимизнинг қарори билан кишлоқда яшовчи ҳар бир оилаға 25 сотихдан ер ажрати-б бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш чоралари қўрилди.

Бу эса мустабид тузум қарамоғида эзилиб ётган ўзбек халқининг бир қадар бўлса ҳам қаддини тиклаб

олишиға имкон берди. 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан ортиқ оилаға қўшимча ер ажратилди, 700 миң оилаға янги томорқа ерлари берилди.

Президентимиз томонидан бозор иқтисодиётиға ўтишнинг беш тамойилиға асосланган «Ўзбек модели» ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда ушбу модель дунёнинг барча халқаро ташкилотлари, сиёсатчи-

лари, экспертлари томонидан олинди.

Мамлакатимиз тараққиёт сономасига назар ташлайдиган бўлсак, 2000-2014 йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган кичик қорхоналар сони 2,3 мартаға ошди, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2014 йилда 56,1 фоизға кўтарилди. Саноатда кичик бизнес улуши 11,3 фоиздан 31,9 фоизға ўсди.

2000-2014 йиллар мобайнида 190 млрд. доллардан зиёд эквивалентда инвестициялар, шу жумладан, 65 млрд. доллардан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, охириги 10 йил давомида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати ўртача 13,6 фоизни ташкил қилди.

Энг янги замонавий ускуналар харид қилишға сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида умумий қиймати 4,2 млрд. долларға тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишға топширилди.

Қорхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар ҳажми 10,3 фоиз ўсиб, 4,3 млрд. долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.

Бу кўрсаткичлар турмуш фаровонлигини кафолатлаштириш, охириги 10 йил давомида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати ўртача 13,6 фоизни ташкил қилди.



# Ўзбекистонда юрагимнинг бир парчаси қолган,

— дейди Канаданинг Торонто университети профессори, хореограф Сашар Зариф



— Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман, мушай анжуманларда қатнашганман, — дейди у. — Лекин...  
«Шарқ тароналари»нинг сўнги иккитасида қатнашганим, таассуротларим қалбимдан чуқур жой олган. Ушанда Ўзбекистон Президенти «Шарқ тароналари»нинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, ўзининг илиқ тиллавларини билдирган эди.  
Ўзбекистонга икки марта борганман. Ҳар иккаласида ҳам айтишга арзиғулик воқеалар кўп бўлди. Ўзбекистон менинг юрагимда ҳеч қачон ўчмайдиган хотиралар қолдирган. Дўстона табассум қиладиган, кўнгли кенг ва меҳмонга юқори даражада эҳтиром кўрсатадиган Ўзбекистон халқига ҳурматим чексиз. Ишонсангиз, тез-тез қарнай ва доира товушлари

ёзилган дискларни тинглаб тураман.  
Шу ўринда Муножот Йўлчиевани ҳам эсга олсам. Бу аёл жаҳон санъатида ўзининг муносиб ўрнига эга. Унинг иккитасида доим тан берганман. Ўзбек раққосалари эса сизни эртақлар оламига етаклагандек бўлади. Ўзбек рақс санъати ҳам жуда бетакрор.  
— «Шарқ тароналари» фестивали сизнинг ижодий фаолиятингизда қандай ўрин тутди?  
— Аввало, бу фестивалда иштирок этиб, жуда кўп расомлар билан алоқа ўрнатганимни алоҳида таъкидлашим керак. Айниқса, қардош туркий халқлар вакил бўлган расомлар билан танишганимдан хурсандман. Умуман олганда, «Шарқ тароналари» турли маданиятлар туташган, ўзаро фикр алмашиш мумкин бўлган, нафақат санъаткорлар, балки муסיқашунос олимларни ҳам бир жойга тўплайдиган йирик санъат байрамидир.  
Фестиваль доирасида ўтказилган илмий-назарий конференция Шарқ санъати ривожига муҳим ўрин тутди. Мен унда қатнашишдан ҳар гал завқ оламан. Ўзбекистон

Шарқ муסיқа санъатида муҳим ўрин тутадиган мамлакат саналади. Шу боисдан ҳам юртингиз бу каби конференцияларни ўтказиш учун энг яхши жой.  
— Ўзбекистонда ўтказган вақтингиз ҳақида гапириб берсангиз.  
— Ўзбекистонга борган вақтимда ҳеч нарсани ўйлаб қолмадим. Муаммоларим, ечимини қутаётган ишларим, ҳаммасини уйда қолдирдим. Ахир сизнинг юртингиз сингари чиройли масканга келган, ҳар қандай одам бу ердаги гўзал



ликдан завқланиши, уни томоша қилиши керак. Халқингиздан кўп нарса ўрганса бўлади. Айниқса, меҳмондўстлик ўзбекларга хос энг эзгу хислатлардандир. Яна бир эътиборимни тортган жиҳат — юрдошларингиздаги ҳаётга бўлган муҳаббат, эртанги кунга бўлган юксак ишонч, десам, асло муболаға бўлмайди.  
Ўзбекистонда бўлганимда ўзимни худди ўз уйимда юргандек ҳис қилдим. Кўп одамлар билан дўстлашдим. Қисқа вақт ичида улар билан яқин бўлиб кетдик. Худди анча йиллардан бери бир-бирини биладиган одамлардек муносабатда бўлдик. Мен ўзбекистонлик дўстларимни оила аъзоларимдай кўраман. Улар билан яна бир марта учрашиш, суҳбатлашиш орзуси билан яшайман.  
Ўзбекистонда юрагимнинг бир парчаси қолган. Ушбу

буюк давлатга яна бир бор бориш имкониятини сабрсизлик билан кутяпман. Ўзбек рақси ва кўшиқлари қалбим туридан жой олган. Умид қиламанки, келажақда яна Ўзбекистонга бориш имкони, албатта, бўлади.  
— Самарқанд ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз.  
— Самарқанд шунчаки шаҳар эмас. Бу — муқаддас макан. Самарқанд азалдан турли маданиятлар уйғунлашган жой бўлган. Ҳозир ҳам шундай.  
Мен ҳар гал шаҳар юксак суръатларда ривожланиб бораётганига гувоҳ бўляпман. «Шарқ тароналари»нинг айнан Самарқандда бўлаётгани ҳам бежиз эмас. Бу шаҳарнинг номи бутун дунёда машҳур.  
— Ўзбек муסיқа санъати ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мен Самарқанддан ташқари бошқа шаҳарларда ҳам бўлдим. Хива, Бухоро ва Кўкон шаҳарларида одамларнинг муסיқа ва рақсга бўлган юксак муҳаббатини ҳис қилдим. «Тановар», «Муножотни» ўзбек кўшиқчилиқ санъатининг энг юксак намуналаридан деб биламан. «Лазги» эса ўзгача бир олам. Бу ашулани биринчи марта эшитганимдаёқ севиб қолганман. Ўзбек муסיқаси ўта бой. Сизларда бир-бирига ўхшамайдиган санъат турлари бор. Уларнинг ҳар бири тарихдан сўзлайди.  
«Шарқ тароналари»га борган ҳар бир инсон унутилмас хотиралар билан қайтади. Улар бир умр Ўзбекистон, Самарқанд соғинчи билан яшайди.  
«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АбЗАМ суҳбатлашди.

## АНЖУМАН

■ Миллий матбуот марказида Республика Маънавият-тарғибот маркази томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Кексалар ҳаёти — ибрат мактаби

— Ёшларимизни ҳар томонлама етук, Она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда нуруний-фахрийларимизнинг ўрни бекиёсир, — деди Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Нодир Қосимов. — Жорий йил «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши ёши улғу инсонларга нисбатан давлатимиз, халқимиз томонидан қўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир. Нуруний бор оиладан файзу барақа аримайди, тартиб-интизом, тарбия мустаҳкам бўлади.



Кексаларимиз яқин ўтмиш гувоҳи, эски тузумни мустақиллик даври билан қиёслаб, ҳолис баҳо берадиган инсонлардир. Уларнинг ҳаётий тажрибалари ёшлар учун ибрат вазифасини ўтайди.  
Тадбирда бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил ахборот берди.  
Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шоҳбоз САИДОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲОЛИСИНИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ ҲАМДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ЯНГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР АМАЛГА КИРИТИЛГАНЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

### «Истиқлол»

- ❖ Саклаш муддати — 2 ой.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар олдиндан бўнак сифатида ёки миқдор хохиишига кўра, омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- ❖ Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
- ❖ Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- ❖ Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йилнинг 17 августидан 1 ноябрга қадар амалга оширилди.

### «Даромадли»

- ❖ Саклаш муддати — 1, 2, 3 ва 6 ой.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади ва талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.
- ❖ Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- ❖ Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган.
- ❖ Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йилнинг 17 августидан то омонат бекор қилингунига қадар амалга оширилади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

WWW.NBU.COM

Хизматлар лицензияланган.

## ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.



КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн.

АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

Телефон:  
(0-371) 262-97-78.  
Факс: (0-371) 262-23-61,  
(+99890) 187-52-05,  
(+99890) 315-99-17.  
www.avtokran.uz  
Email: cst2008@mail.ru  
Товар сертифицирован.



**МУАССИС:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**  
**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Hotamjon KETMONOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Rustam KAMILOV  
Ulug'bek  
MUSTAFOYEV  
Muslihiddin  
MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV  
Farrux HAMROYEV  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**  
**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonani mamlakat Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
Г — 859  
10987  
nuxxada  
bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 20.50  
Topshirilgan vaqti — 03.00  
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
**Nurullo OSTONOV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Zafar BAKIROV**  
**Behzod ABDUNAZAROV**  
ISSN 2010-7633  
1 2 3 4 5